



Мадинаи Мунавварада жойлашган, Киrol Фахд номидаги мусхаф чоп қилиш босмаҳонаси уч йиллик меҳнат натижасида Куръони Каримни овоз ёрдамида ўргатиш лойихасини нихоясига етказди.

Матбаа раиси Мухаммад Солим ибн Шадид ал-Авфий маълум қиладики, бу лойиха интернетда махсус саҳифа очишдан иборат бўлган. Саҳифада машҳур қориларнинг тиловатлари жойлашган. Тиловатлар қироат шайхлари тарафидан бир неча турдаги қироатларда тартил билан ўқилган. Мазкур саҳифа қўриш қуввати паст ҳамда умуман қўр бўлган кишиларга ҳам мўлжалланган. Саҳифадаги ҳар бир нарса ёзувда қўрсатилиши билан бирга, товуш билан ҳам ифодаланади. Мисол учун, саҳифанинг бирор бўлимини очмоқчи бўлган ёки бирорта қироатни тингламоқчи бўлган киши жихоз ишоракашини саҳифа устида юргизса, саҳифадаги буйруқлар ўқиб эшиттирилади ва у шунга қараб, ўзи хоҳлаган буйруқни амалга ошириши мумкин бўлади. Қўзи ожиз одам ишоракашни саҳифанинг ўнг қирғоқига олиб келса, ишоракашнинг ўнг қирғоққа етгани, чап қирғоққа олиб келса, чап қирғоққа етгани товуш билан билдириб турилади. Ишоракаш қайси қорининг исми устига келса, ўша қорининг исми овоз билан эшиттирилади. Қироатларни танлаш, сура ва оятларни белгилашда ҳам худди шундай. Бундан ташқари, бу саҳифа энг содда ва энг қулай тарзда ишлангани билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Ундан мутахассислар ҳам, янги хавасқорлар ҳам бирдек фойдаланиши мумкин. Саҳифа қуйидаги линқда жойлашган:

<http://qsound.qurancomplex.gov.sa>

(«Ахбарул-Куръанил-Карим» сайтидан олинди)